МАДАД КАРВОНЛАРИ

Республикамиз далаларида ўриб-йиғиб олинаётган катта ҳосилни ташишда қудратли автомобиллар хизмати бебаҳодир. "Тошшаҳарюктранс" концерни Қашқадарё ғаллакорлари оғирини енгил қилиш учун қиркта машина жўнатди. "ЗИЛ-130" русумли машиналар минглаб тонна ҳосилни ташийди. Концерн яна Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани хўжаликларига ёрдам бериш мақсадида 120 дан ортиқ машиналар карвонини ҳозирламоқда.

Чарос ГИЁСОВА.

НИҲОЯТ ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚИШ

Навоий кон-металлургия комбинатининг Нурободдаги жанубий кон бошқармаси ишчи-хизматчилари янги касбни ўзлаштирди. Улар мармар қазиб олиш ва унга ишлов беришга киришди. Изланиш натижасида Нуробод тумани ҳудудида катта мармар заҳираси борлиги аниқланди. Мармарга саноат асосида ишлав бериш мақсадида хориждан замонавий асбоб ускуналар келтирилди. Айни вақтда бу ерда ҳар ойда 1200 куб метрдан зиёд мармар ушоғи ва шунча мармар плита тайёрланмоқда. Ҳа демай Нуробод мармари жаҳон бозорига ҳам чиқади.

(ЎЗА).

ЙИЛОЙИҚУН

19 ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР ИЮНЬ

"ЎЗКОРАМ" ИШ БОШЛАДИ

Жанубий Корея ҳамкорлигида "ЎзКОРАМ" қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлади. У Асакадаги "ЎзДЭУ-авто" автомобиллари учун бамперлар, ички панеллар ишлаб чиқармоқда.

Замонавий технология билан жиҳозланган "ЎзКОРАМ"да асосан маҳаллий йигитлар меҳнат қиляпти. Уларнинг аксарияти Жанубий Кореяда малака ошириб келган ёшлардир.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

АНГЛИЯДА ТАЪЛИМ ОЛИШАДИ

Тошкент Давлат университети, жаҳон тиллари, жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетларида Буюк Британиянинг Бедфордшир савдо-саноат палатаси делегацияси билан учрашувлар бўлиб ўтди. Мутахассислар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш йўллари белгиланди. Олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабаларнинг Буюк Британия билим даргоҳларида тажриба орттиришга доир қўшма дастурларни яратиш кўзда тутилмоқда. Янги дарсликлар ва дастурлар тайёрлаш юзасидан ҳамкорликда иш олиб борилади.

Муҳаммаджон ПЎЛАТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 19 июнь, пайшанба № 71 (22.155).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

*1995 йил 20—21 июнь — **Украина Президенти Леонид Кучма мамлакатимизга расмий ташриф буюрди. «Дўрмон» қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Украина Президенти Леонид Кучма ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Иккала давлат ҳукуматлари ўртасида битимлар имзоланди.***

*1996 йил 19 июнь — **Австралиянинг «Вестерн майнинг корпорейшн» компанияси делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ўзбекистон билан мазкур компания ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.***

ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБОЙЖОН — ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛАР

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан, Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев 18 июнь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Икки Давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Бош вазир Ўткир Султонов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар қарши олди. Кутиб олувчилар орасида Озарбойжон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ойдин Азимбеков ҳам бор эди. Миллий либосдаги қизлар Озарбойжон Президентига анвойи гуллар тутди.

Машиналар карвони «Дўрмон» қароргоҳи томон йўл олди. Президент Ҳайдар Алиевга мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов пешвоз чиқди. Шу ернинг ўзида Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига Фахрий қоровул саф тортди. Президентлар махсус шоҳсупага кўтарилдилар. Ҳар икки мамлакат Давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов билан Ҳайдар Алиев Фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг, Президентларнинг яккама-якка суҳбати бошланди. Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар, иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлик, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва жаҳон миқёсидаги муаммолар хусусида фикрлашиб олинди.

Шундан сўнг, икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Унда Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш билан боғлиқ қатор масалалар муҳокама этилди. Президент Ислом Каримов Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев ва унга ҳамроҳлик қилаётган меҳмонларни Ўзбекистон заминида қутлар экан, мазкур ташриф ўзаро муносабатларнинг янги даврини бошлаб беражагига умид билдирди.

— Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги алоқалар узоқ даврларга бориб тақалади, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Халқларимизнинг дўстлик алоқаларини айни кунда ҳам сезиш мумкин. Ўзбекистонда бугун минглаб озар миллатига мансуб кишилар истиқомат қилаётгани, улар томонидан ташкил этилган маданият марказлари муваффақият билан фаолият кўрсатаётгани фикримизга ёрқин далилдир. Мамлакатларимиз иқтисодий манфаатларининг туташ нуқталари ҳам талайгина. Айниқса, Кавказорти транспорт йўлагининг бугунги кунда бераётган самараси бунга мисол бўла олади. Мамлакатларимиз мустақилликка эришгач, жуда кўплаб иқтисодий ва ижтимоий муаммоларга дуч келди. Бироқ, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳамда иқтисодий ислоҳотлар натижасида мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш, иқтисодиётнинг барқарор ривожини таъминлаш ва аҳолининг турмуш даражасини муайян даражага кўтаришга эришдик.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда сўнгги вақтларда юз бераётган ўзгаришларга тўхталиб, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлашиб бораётгани, иқтисодий салоҳиятимиз юксалиб, ишлаб чиқариш ва саноат инфратузилмалари ривож топаётгани ҳақида сўзлади.

Хусусан, юртбошимиз мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида кишиларнинг дунёқараши, фикрлаш тарзи ўзгарганини ҳам алоҳида қайд этиб, ёш авлодни мустақил ватан фарзандлари руҳида тарбиялашда, уларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиб етишишида диққатга сазовор ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Музокараларда Ўзбекистон — Озарбойжон муносабатлари ҳар икки мамлакат давлат раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари туфайли янгидан равнақ топиб, мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди.

Президент Ҳайдар Алиев ўз ташрифини Ўзбекистон раҳбарининг ўтган йили май ойида Озарбойжонга буюрган ташрифининг узвий давоми, дея изоҳлади. Ислом Каримовнинг 1996 йилги ташрифи бу борада янги даврни бошлаб берганини алоҳида таъкидлади.

Ҳайдар Алиев ҳар икки мамлакат иқтисодиёти кўплаб умумий туташ нуқталарга эга экани ҳақида гапирар экан, бу соҳадаги ҳамкорликни фаоллаштириш зарурати туғилганини қайд этди. Жумладан, пахтачилик, узум, чой ва тамаки етиштиришда, металлургия, нефть ва кимё саноати соҳаларида янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш борасида Ислом Каримов айтган таклифларни тўла қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим бўғинини транспорт коммуникацияси ташкил этади. Кавказорти йўлаги бўйича шу йилнинг беш ойида ташиб ўтилган маҳсулот ҳажми 1996 йилги умумий кўрсаткичдан беш баробар кўп бўлганини алоҳида таъкидламоқ жоиздир. Лекин, Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада равнақ топтириш учун ишга солинмаган имкониятлар ҳали жуда кўп. Бу хусусда ҳар икки мамлакат раҳбари бир хил фикрда эканликларини билдирдилар.

Музокараларда ЭКО ва Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасидаги ягона иқтисодий макон доирасида амалга оширилаётган ва режалаштирилаётган ишлар бўйича ҳам фикр алмашилди. Президент Ислом Каримов мазкур ҳаракатлардан мақсад нефть-газ қувурларини ўтказиш, транспорт алоқаси тармоқларини барпо этишда ҳамжиҳатлик билан иш тутиб, келишилган ҳолда сиёсат юритишдан иборат эканини маълум қилди.

Музокараларда минтақавий хавфсизлик масалалари ҳам муҳокама этилди. Президент Ислом Каримов Афғонистон муаммосига тўхталиб, бу мамлакатда тинчлик ўрнатишнинг ягона йўли музокаралар ўтказиш эканини яна бир бор таъкидлади.

— Биз Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаш лозимлиги тўғрисида БМТ, ЕХҲТ каби нуфузли халқаро ташкилотларга аниқ таклифларимизни билдирганмиз, — деди Ислом Каримов. — Мазкур таклифлар бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан маъқулланмоқда.

Президент Ислом Каримов тоғли Қорабоғ муаммоси хусусида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, Ўзбекистон ҳукумати ушбу можарони тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори эканини маълум қилди.

Озарбойжон раҳбари Ўзбекистон Президенти юритаётган сиёсатдан мамнун эканини билдирди. Ўз мустақиллик ғоясида собит турган Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатига юқори баҳо берди. Шунингдек, талайгина халқаро ва минтақавий доирадаги муаммолар хусусида Президент Ислом Каримов билан бир хил нуқтаи-назарда эканини маълум қилди.

— Ўзбекистон ўзининг меҳнат ресурслари ва табиий бойликлари, қолаверса, ўзбек халқининг ақлий салоҳияти билан Марказий Осиёда юксак мавқега эга, — деди Ҳайдар Алиев. — Бу ерда юз бераётган ўзгаришлар Озарбойжонда катта қизиқиш билан қабул қилинмоқда ва халқимизнинг Ўзбекистонга, ўзбек халқига ҳурматини янада оширмоқда.

Музокаралар ниҳоясида Президентлар Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш тўғрисидаги декларация, Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасида ҳуқуқий ёрдам, фуқаро, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартнома ҳамда ўзаро ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия тузиш тўғрисидаги протоколга имзо чекдилар.

Музокаралар сўнггида Бош вазир ўринбосарлари, ташқи ишлар ва адлия вазирлари даражасида телекоммуникация ва почта алоқаси, саноат мулкини ҳимоя қилиш, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, таълим, банк-молия соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ўндан ортиқ ҳукуматлараро ҳужжат ҳам имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг Президентларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлди. Унда Ислом Каримов ва Ҳайдар Алиев бўлиб ўтган музокаралар ва яккама-якка суҳбат натижалари ҳақида сўзладилар.

— Музокаралар ва мулоқот чоғида минтақавий хавфсизлик муаммоларига алоҳида эътибор қаратилди, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистон ҳам, Озарбойжон ҳам минтақада тинчлик ва барқарорлик тарафдоридир. Иккала мамлакат ҳукумати ҳам ўзга давлатларнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиб, уларнинг ички ишларига аралашмасликни ўз сиёсатининг асосий йўналиши, деб биладди. Биз ҳар қандай кўринишдаги мутаассиблик, террорчилик, сепаратизмга ва можароларни қурол ишлатиш йўли билан ҳал қилиш ҳаракатларига қаршимиз. Айтиш керакки, яккама-якка мулоқот чоғида ҳам, кенгайтирилган таркибдаги музокараларда ҳам томонлардан бирортасини қониқтирмаган ёки ўзаро келишилмаган масала бўлмади.

Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев қисқа вақт ичида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни юқори босқичга олиб чиқишга эришилганини мамнуният билан таъкидлар экан, жумладан бундай деди:

— Ислом Каримовнинг 1996 йил май ойида Озарбойжонга буюрган ташрифи чоғида йигирмага яқин ўта муҳим ҳужжат имзоланган эди. Бугун имзоланган ҳужжатлар ҳам юксак аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларини белгилашда ва шериклик муносабатларини чуқурлаштиришни таъминлашда ғоят муҳим ўрин тутади.

Матбуот анжуманида Президентлар журналистларнинг Кавказорти йўлаги, ЭКО доирасидаги ҳамкорлик ва бошқа масалаларга оид саволларига жавоб қайтардилар. Россия — Белорусь иттифоқи хусусидаги саволларга жавоб қайтарар экан, Президентлар бу борада ягона нуқтаи-назарда эканларини билдирдилар.

— Мазкур иттифоқ Россия ва Белоруснинг ички иши, — деди Ислом Каримов. — Хабарингиз бўлса, ушбу иттифоқ парламентининг йиғилиши бўлди ва унда А. Лукашенко иштирок этди. Унинг ўша йиғилишда собиқ шўролар иттифоқи мадҳиясини ҳозирги Россия-Белорусь иттифоқи мадҳияси сифатида қабул қилиш ҳақида сўзлаган «оташин» нутқини изоҳлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Шунинг ўзиёқ ушбу иттифоқнинг қай мақсадда тузилганини билиб олишга кифоя қилади.

Бу хусусда Озарбойжон Президенти қуйидагича фикр билдирди:

— Ислом Каримовнинг мулоҳазаларини тўлиқ маъқуллаш билан бирга, шуни айтишим керакки, жиддий одамлар жиддий ишлар ҳақида бош қотиргани дурустроқ. Россия-Белорусь иттифоқининг низомида иттифоқ аъзо бўлишни истаган ҳар қандай давлат учун очиқдир, дейилиши ҳам Ўзбекистон Президентининг фикрларини яққол исботлайди. Комил ишонч билан айтаманки, Озарбойжон ҳеч қачон бу каби иттифоқларга қўшилмайди.

Россия матбуотининг Ўзбекистон чегарасини Россия федерал чегара хизмати қўриқлаши ҳақида тарқатган хабари хусусидаги саволга мамлакатимиз раҳбари бундай жавоб қайтарди:

— Ўзбекистон чегара қўшинлари билан Россия федерал чегара хизмати ўртасида ҳамкорликда фаолият юритиш тўғрисидаги битим имзоланган. Бироқ, бу Ўзбекистон чегарасини Россия аскарлари қўриқлайди, дегани эмас. Биз чегарамизни ўзимиз қўриқлаймиз. Бунинг учун кучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етарли.

Президентлар журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб қайтардилар.

* * *

Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрига ташриф буюрди. Бу ерда таниқли адиб ва давлат арбоби Шароф Рашидов асари асосида Озарбойжон бастакори Ориф Меликов ёзган «Икки дил достони» балети намойиш этилди.

Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).



СУРАТЛАРДА: 1. «Дўрмон» қароргоҳида расмий учрашув маросими. 2. Икки томонлама ҳужжатларни имзолаш пайти.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Аҳмадшоҳ Масъуд Саудия Арабистонида чиқадиган «Аш-Шарқ Ал-Асад» газетаси мухбири саволларига жавоб бериб, шу ҳафта ичида Покистон Бош вазири Навоз Шариф билан учрашишини айтди, дея хабар беради «Интернет» ахборот агентлиги.*

* * *

☑ *Россия билан Украина ички ишлар вазирликларининг ўзаро фойдали ҳамкорлигини кенгайтириш борасидаги масалалар Россия ички ишлар вазири Анатолий Куликовнинг Киевга расмий ташрифи давомида муҳокама қилинди.*

* * *

☑ *Чеченистонда ҳуқуқни муҳофаза қилиш қалқони деб номланган навбатдаги операция ўтказилди. Дастлабки маълумотларга қараганда, ўғрилаб кетилган 6 журналист озод қилинган. Нефть маҳсулотларини ўғрилаб кетганлар қўлга тушириллган. Президент Аслан Масхадовнинг баёнотига кўра, Чеченистон республикасида тартиб ўрнатиш борасидаги тадбирлар давом эттирилади.*

* * *

☑ *Амстердам шаҳрида Европа иттифоқи саммити якунланди. Маастрих шартномаси ўрнини босувчи Амстердам шартномасига имзо чекилишидан ташқари унда ягона Европа валютасига қўшилувчи давлатларнинг молиявий барқарорлиги масаласи кўрилди. Шунингдек ишсизликка қарши кураш ва ижтимоий масалалар бўйича резолюциялар қабул қилинди.*

* * *

☑ *НАТОнинг Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари томон кенгайиб бориши масаласи Берлиндаги халқаро давра столининг асосий мавзуси бўлди. Унда ГФР, Россия, Белоруссия, Польша ва Чехиянинг сиёсатчи олимлари ва ҳарбийлари иштирок этишди.*

* * *

☑ *Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арофат икки кунлик ташриф билан Саудия Арабистонига борди. Уни қирол Фаҳд қабул қилди. Учрашув давомида Яқин Шарқдаги вазият муҳокама қилинди. Фаластин томонининг нияти Саудия Арабистонини Исроил билан Фаластин ўртасидаги тинчлик музокараларига кенгроқ жалб этишдир.*

НЕГА СУКУТДАСИЗ?

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокими диққатига

Танқид асал эмас, деган гап бор. Бинобарин, болни ҳамма бир хилда хуш кўради, танқидни эса турлича қабул қиладилар. Биров борки, холис танқиддан туғри хулоса чиқаришга, камчиликларини тузатишга, хатоларини тўғрилашга интилади. Республика вазирликлари, идоралари, вилоят ва туман ҳокимликларидан олинаётган жавоб хатлари бунинг исботидир. Улардаги самимийлик, матбуот чиқишларига бўлган жиддий муносабатдан дил ёришади. Бошқа биров эса ўзига сув юқтирмасликка уринади, ўзини у ёққа — бу ёққа ташлайди. Ҳатто таҳририятга келиб тортишув ва беҳуда баҳслашишдан ҳам тоймайди.

Яна биров эса... индамай қўяқолади. Бизнингча, бу энг ёмони ва хавфлиси ҳамдир. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимлигидаги мутасадди ўртоқлар танқидий чиқишларга муносабатларнинг кейинги усулини танлашганга ўхшайди. Жорий йилда тумандан таҳририятга бир қанча танқидий мулоҳазалар, сигналлар тушди. Шулардан айримлари, асосида «Ҳаммом ҳаммомга ўхшасинда» (9 январь), «Уйимга кирол-май доғман» (4 февраль), «Кабоб ҳиди безор қилди» (8 февраль), «Пойтахтда газсиз яшаб бўладими?» (11 март) сарлавҳали танқидий мақолалар чоп этилди. Афсуски уларни на туман ҳокими, на ҳокимликнинг мутасадди ходимлари пайқади. Эҳтимол, улар кунма-кун газета ўқишга вақт топишолмас, балки сезмай қолгандир, деган андишада уларга мактуб орқали эслатма ҳам юборилди. Бироқ шунда ҳам таҳририятга икки энлик жавоб хати йўлланмади. Бу эса бизда ва газетхонларда ўша мақолаларда кўтарилган муаммолар ҳавода муаллақлигича қолиб кетди, танқидий чиқишлар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланмади, деган таассурот туғдиради.

Матбуот чиқишларига бундай нописандлик, бепарволик яхшилик аломати эмас. Чунки касални яширсанг иситмаси ошкор этиб қўяди. Ҳаққоний ва холис танқидга муносиб ҳаққоний ва холис жавоб зарур.

Мустақиллик мезонлари

АСОСЛИ ТАШВИШЛАР ВА УМИДБАХШ ИСТИҚБОЛЛАР ФАЛСАФАСИ

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг **«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»** (Т., «Ўзбекистон», 1997, 326 б.) китобини ўқиган ҳар бир кишининг хаёли, ақл-заковатини ушбу — сарлавҳага чиқарилган фикр эгаллашига шак-шубҳа йўқ. Мазкур асарнинг чоп этилиши ўз мустақиллигининг олтинчи йили бўйлаб одимлаётган она-Ватанимиз маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Эзгу, олийжаноб мақсад, ниятлар йўлида битилган ҳар қандай китобнинг ўзига яраша аҳамияти, нуфузи бўлади. Мабодо, бундай асарнинг муаллифи йирик олим, таниқли амалиётчи, машҳур давлат арбоби бўлса, унинг баҳосининг ўн-юз чандон юқори бўлишлиги турган гап, албатта. Зеро, бу ҳолда, китобда амалга оширилган таҳлил, баён этилган хулоса, қоида, шакллантирилган тавсиялар фақат муаллифнинг назарий мушоҳадалари натижасигина бўлмай, балки, улар, айни пайтда, унинг, давлат раҳбари сифатидаги, амалий саъй-ҳаракатлари, сиёсий фаолияти машаққати билан уйғунлашувнинг ҳосиласидир.

Миллатимиз, халқимиз, давлатимиз хавфсизлиги, уларнинг барқарорлиги ва тараққиёти масалаларига нафақат минтақавий, ҳатто, умумбашарий муаммолар орқали ёндошиш юртбошимиз қаламига мансуб мазкур асарнинг ўзига хос ноёб томонини ташкил этади. Муаллиф унда мустақиллик шароитида босиб ўтган йўлимизга муайян якун ясайди, тарихий, табиий, ижтимоий, маънавий салоҳиятимизни, шунингдек, мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган ички ва ташқи салбий омиллар ҳамда уларга қарши қўйишимиз мумкин бўлган самарали чоралар ҳақида теран фикр юритиб, эшик қоқиб келаётган XXI асрга, миллий равнақимиз истиқболлари нуқтаи назаридан, дадил, умидбахш нигоҳ ташлайди.

Китобнинг муқаддимасидан ўрин олган, муаллифни ушбу асарни ёзишга ундаган, саволларнинг ўзида ниҳоятда катта юк, чуқур маъно ва кенг мазмун борлигини кўрмай сира илож йўқ. Мана уларнинг айримлари:

«Бу ёруғ оламда биз киммиз ва не бир сир-синоатмиз, қаёққа қараб кетаяпмиз? Инсоният янги — XXI асрга қадам қўйганида бизнинг ўрнимиз қаерда ва қандай бўлади?»

Муаллиф миллий равнақимизни барқарорлигимиз, барқарорлигимизни хавфсизлигимиз, хавфсизлигимизни эса унинг, минтақамиз, бутун башарият учун, мутлақ ҳадсиз-ҳудудсиз, узлуксиз, яъни меъёрий ҳолат бўлишлиги билан узвий боғлайди. Юртбошимиз, тамомила ҳақли равишда, ҳаётий далиллар асосида, дунёнинг, истибдод тузуми емирилиши туфайли, икки қарама-қарши қутбларга бўлиниши барҳам топганига қарамай, ҳамон мураккаб ва муаммолигича қолаётганини алоҳида таъкидлайди. Биздан узоқ бўлмаган ҳудудларда юз бераётган минтақавий можаролар, ўзини намоён қилаётган диний экстремизм, фундаментализм, этник, миллатлараро зиддиятларга назарписанд қилмасликнинг аянчли оқибатларидан барчани огоҳлантиради. Ўзбекистоннинг Ғарб ва Шарқнинг йирик давлатларининг, ўзаро мос келмайдиган, манфаатлари тўқнашадиган, жамоавий хавфсизлик тизими изчил йўлга қўйилмаган минтақада жойлашганлиги туйғулардан иборат буюк давлатчилик шовинизми ҳамда тажовузкор миллатчиликка муайян озуқа бераётганлигига ишора қилади. Унда, шунингдек, булардан ташқари ҳатто, улар билан, маълум маънода, айқашиб-чатишиб кетгани ҳолда, миллий хавфсизлигимизга таҳдид солиши мумкин бўлган ички салбий омиллар, унинг XXI асрда жаҳонда муносиб ўрин эгаллашининг жиддий кафолати эканлиги тўғрисидаги фикри билан якунлайди.

Китобнинг иккинчи — **«Барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари»** бобини ўқиган кишининг қалби, жозибали жиҳатларимиз ва афзал томонларимизни кўплаб далиллар тимсолида, ишонарли тарзда, кўрсатиб ўтилади. Хусусан, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, экологик муаммоларнинг ҳаётимизга жиддий рахна солувчилик хусусияти рўй-рост очиб берилган.

Китобнинг **«Хавфсизликка таҳдид»,** деб номланган биринчи бобини ўқиган киши, пировард натижада, унда қайд этилаётган салбий ҳолатлардан, иллатлардан саросимага тушмайди, ўзини йўқотиб қўймайди. Зеро, муаллиф, бозор иқтисодиётини шакллантириш, демократик сиёсий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган ислоҳотлар жараёнида туғилаётган муаммолар боис, бизни, ҳар биримизни орқага қайтишга эмас, балки, олдинга, яъни мазкур ислоҳотларни янада дадилроқ, изчилроқ амалга ошириш ишида фаол иштирок этишга даъват қилади.

Давлатимиз бошлиғи ўз асарининг мазкур қисмини мамлакатимизнинг минералхом ашё захиралари, инсоний салоҳияти, ижтимоий барқарорлиги ва халқаро нуфузи янада чуқурроқ англаш асосида, равшанлашади, чароғон бўлади, айрим кишилардаги тақдиримизга бефарқлик, бепарволик кайфиятларини сўндиради, юртдошларимизни ўзаро муштаракликка чорлайди, олдимизда турган улуғвор вазифаларни адо этишга ҳар биримизнинг даҳлдор эканлигимизни англашга ундайди.

Асарнинг мазкур қисми маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши, уларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ҳамда нурли истиқболимизни таъминлашдаги аҳамияти хусусида фикр юритишдан бошланиб, унда бой, кўҳна тарихимизни миллатнинг чинакам тарбиячисига айланаётганлиги алоҳида уқтирилади. Дарҳақиқат, ҳаётдаги барча ижобий нарсалар айни маънавиятдан, барча ғурбат, ғамғуссалар эса — нодонлик, жаҳолат ва парокандалик, тарқоқликдан эканлиги хусусида ўтмиш бизга яққол сабоқ бермоқда. Халқимизнинг этник, маданий, диний сабр-тоқатлилиги, бошқа қатор ижобий миллий фазилатларимиз таҳсинга лойиқ нарсалар эканлиги китобда кенг, ҳар томонлама асосланади.

Янги жамиятни, табиийки, эски усуллар билан яратиб, жамиятни эса бошқарув тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис, мустақиллик даврида, янги, замонавий, жамиятимизнинг демократик йўлдан ривожланишига монанд, давлатчилик тизими вужудга келтирилганлиги, унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича зарурий чоралар кўрилганлиги тўғрисида қонунга риоя этишлик хислатларини шакллантиришнинг ишончли асосидир.

Китобда меҳнатни инсон фаровонлигини таъминлашнинг асосий омилига айлантириш, кишиларга, ислоҳотлар орқали, ўз имкониятларини рўёбга чиқариш шароитларини яратиб бериш, янги авлодни шакллантириш — бутун ижтимоий сиёсатнинг бош мақсади эканлигининг очиб берилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Инсон, илм-фан салоҳияти, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктураси, халқаро ҳамкорлик масалалари асардан ўрин олган барча бошқа соҳалар билан узвий, мантиқий алоқадорликда кўриб чиқилганлиги китобнинг қимматини янада оширувчи жиҳатдир.

Ислоҳотларни изчил амалга ошириш, улардан кўзланган мақсадларга собитқадамлик билан эришиш ва, уларнинг узвий таркибий қисми сифатида, турли даражалардаги халқаро интеграция жараёнларида фаол иштирок этиш — хавфсизлигимизга нисбатан таҳдидларни бартараф этишнинг ишончли омилидирлар деган фикр руҳи асарнинг бошидан охиригача яққол сезилиб туради.

И.А.Каримовнинг янги китобида юртимиз ҳозирги куни ҳаётининг барча соҳалари қамраб олинган. Асарни мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос, ишончли далиллар ва нуфузли рақамларга бой, қомуси, деб бемалол айтиш мутлақо жоиздир. Юрт, миллат, халқ тақдири, уларнинг туб эҳтиёж, манфаатлари, эртанги нурли куни хусусида ёнибкуйиб гапириш — муаллифнинг чинакам ватанпарвар, ўз элининг содиқ фарзанди эканлигидан ёрқин далолат бериб, ҳар бир юртдошимизни унинг илҳомбахш намунасидан ибрат олишга чорламоқда. Китобни мутолаа қилган ҳар бир кишининг бунга иқрор бўлиши турган гап, албатта.

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
фалсафа фанлари доктори.



БЎЛИҚ БОШОҚ — ЭЛ РИЗҚИ.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ТУТАШГАН ЙЎЛЛАР

Таваллуд маъракасини нишонлаш арафасида турган бобо шаҳар бугун қайноқ қурилиш жабҳасини эслатади. Бир қатор тарихий-меъморий обиданларда таъмирлаш якунланган бўлса, бир қанчасида тезкор ва сифатли равишда давом эттирилмоқда.

Хевалик мутасаддилар биринчи навбатда шаҳар ичкарисидаги ва шаҳарга олиб борувчи йўлларни таъмирлашга эътибор қаратишган. Агарда воҳа марказидан қадим шаҳарга олиб борувчи йигирма беш чақиримлик кенг йўл таъмири ва ободончилиги ниҳоялаб қолай деган бўлса, Ичон қалъа ичкарисидаги йўл ва йўлакларни созлаш, бутлаш, тош ва ғишт ётқизиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Ичон қалъадаги 8,5 минг квадрат метр йўл ва йўлакларга Тошкентдан келтирилган безакли ғиштлар қопланади.

Юбилей муносабати билан Дишон қалъадаги барча йўл ва йўлаклар ҳам шу тахлит таъмирланмоқда.

Шаҳар атрофидаги йўллар таъмири ва ободончилиги билан вилоят туманларидаги қатор қурилиш ташкилотлари машғул бўлса, шаҳар ичкарисидаги мураккаб ва машаққатли ишларни 3-, 73-қурилиш ташкилотлари ҳамда «Хевақурилиш» ташкилотининг тажрибали таъмирловчилари амалга оширмоқда.

Юбилей кунларида нафақат Хоразмнинг, балки дунёнинг барча йўллари фақат Хевага олиб боришига шубҳа йўқ.

Рўзимбой ҲАСАН.

Ватанимизнинг рамзий нуқталари

ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС, БИРОҚ...

Тошкентнинг бош дарвозаси — аэропорт ҳақида гап бораркан, бевосита ўтмишга назар ташлаш лозим. X асрга қадар Тошкент — Шош, Чоч (арабча) ва Тошканд — Тошкент деб номланган. Атоқли туркшунос олим Маҳмуд Қошғарий шарҳига кўра, Тошкент — тошдек мустаҳкам қалъадир. Соҳибқирон Амир Темур беш марта Тошкентда бўлган ва, албатта, Самарқанд ва Бешёғоч дарвозалари орқали ташриф буюрганлар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг оналари тошкентлик бек Юнусхоннинг қизи бўлган. Юнусхон даврида дарвозалар мустаҳкам қилиб қурилган. Шимолий душманлар (қалмиқлар, дашт қипчоқлари)дан қуриқланиш учун Соғбон-Қорасарой-Тахтапул-Оққўрғон (Лабзак) ва Қашқар дарвозалари ҳар доим қўшимча кучлар билан муҳофаза этилган. Шаҳар дарвозалари Амир Темур даврида миллий уймакор нақшлар билан безатилган.

Чор Россияси босқинидан (1865 йилдан) кейин дарвозалар бузилиб, шаҳар ҳудуди кенгайтирилган, Эски ҳамда Янги шаҳарларга бўлинган. XIX асрнинг 70-йилларида шаҳарда 200 дан зиёд маҳалла ва мавзе бўлиб, 100 мингга яқин аҳоли яшаган.

Собиқ совет даврида шаҳар қўрғони ва дарвозалар бутунлай бузиб ташланди. Ҳозирги кунда шаҳар дарвозаларининг ягона намунаси Ўзбекистон тарихи Давлат музейида сақланмоқда. Дарвоза асосан арча дарахтидан, калитлари эса темирпўлат қотишмасидан ясалган. Тобелик маъносида 12 та олтин калит пичоқчилик маҳалласида яшаган Абдураҳмон заргар томонидан тайёрланиб, Россия империясига жўнатилган. Академик Яҳё Ғуломов маълумотига кўра, калитлар Петербургдаги ҳарбий музейда 1933 йилгача, қарийб 70 йил «қамоқ»да бўлган, сўнг ўша йили Файзулла Ҳўжаев ҳаракати билан юртимизга қайтарилган.

Тошкент — халқ тили билан айтганда Шарқнинг дарвозаси! Бунинг устига географик жойлашувига кўра Марказий Осиё минтақаси марказида жойлашган. Унинг ҳаво йўллари дарвозаси — бу минтақа учун бош бекат ҳисобланади.

Марказий Осиё минтақасида жойлашган мустақил давлатлардаги сайёҳлар Тошкент орқали хорижга чиқиши ҳам йўлга қўйилмоқда. Айни кунда шаҳарда 50 дан ортиқ элчихона, Марказий Осиё муаммолари ва умуман, халқаро масалалар бўйича шуғулланувчи ташкилотлар ва ваколатхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент аэропортидан учоқлар жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатига йўл олади.

Тошкентда биринчи аэропорт 1924 йилда ташкил қилинган ва 1956 йилда маҳаллий, 1974 йилда аэровокзал (ҳозирги пайтда марказий) бинолар қурилган. Меъмор, ҳайкалтарош ва рассомлар Е.Ермалаев, Л.Иванов, И.Ҳуснидинов, В.Чуб, Н. Ганлар теран ақлу заковати билан миллий шамойил касб этган аэропортимиз халқаро авиа йўналиш хизматини баҳоли қудрат бажармоқда.

Биз яқинда аэропортда бўлиб, маънавий-маданий хизмат, сайёҳларни қабул қилиш ва кузатишдаги баъзи бир камчиликларга кўзимиз тушиб, бироз ранжидик. Ҳар кун жаҳоннинг 120 дан ортиқ шаҳарига 200 га яқин рейсларни кузатиш ва шунча рейсдаги меҳмонларни кутиб олишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Агар таҳлилий нуқтаи назардан қарасак, олис масофага йўловчиларнинг 85 фоизи аэропорт хизматидан фойдаланар экан. Энг зарур юкларнинг 40 фоизи ҳам тайёраларда ташилади. Тошкент аэропорти, мамлакат бўйича оладиган бўлсак, юқоридаги юмушларнинг 92 фоизини бажаради. Бугун «Боинг», «Ил», «Ту», «Як» тайёралари ва «МИ-8», «МИ-4» вертолётлари одамлар учун хизмат қилмоқда.

...Тайёрага жойлашгунча не даҳмазалар бўлмайди, дейсиз. Қўлингиздаги чипта билан паспортни кузатувчига узатасиз. У зарда билан, бу одатий ҳолга айланган, ҳужжатларга қараб-қарамай қўлингизга итқитади, божхона ходими нарсаларингизни остин-устун қилгач, кузатув хонасига йўл оласиз. Бу хоналар ифлос, кўримсиз, кўнгилни айнитадиган даражада қаровсиз! Тошкент аэропортидаги ҳар икки қисмида мана шундай аҳволнинг устидан чиқасиз. Суҳандон рейсни кўп ҳолларда шошиб, адашиб айтади.

Ким қаерга, қайси рейсга чиқишини билмай кутиш хонасидан бошқасига ўтиб адашишлар ва шовқин-суронлар бўлиб туриши одатий ҳолга айланган. Кузатувчи йўловчиларни тайёрага олиб чиққунча, гоҳида автобус (тайёрага олиб бориладиган) келмай, пиёда бориш ҳоллари учраб туради. Техник кафолат қоидасига биноан, аэропорт ичкарисига бир қадам босиш маън этилган.

Кузатувчи ва кутиб олувчиларнинг ҳамон давлат тилида муомала қилишмаётганлигини айтмай қўяқолайлик. Тайёрага чиқишдаги тирбанд бўлиб туриш, ўз ўринларига ўтирмаслик, стюардессаларнинг бу пайтда чой ичиб ўтирганларини кўп кўрганмиз.

Яқин масофада эса ички хизмат кўрсатилмайди. Аслида сув, конфет таклиф қилиш лозим эмасми?!

Кўп гапириб, кам ёзамиз бу ҳақда ва телевидение орқали намойиш қилмаймиз. Меҳмонларни қабул қилиш ва кузатиш бизнинг кимлигимизни белгилайдиган асосий омиллардан бири. Меҳмон кутиш учун бутун оила аъзолари тараддуд кўради. Узоқ-яқиндан келган сайёҳларни кутиб олиш ва кузатиш санъати аэропортдан бошланади. Меҳмонларни очиқ чеҳра ва самимий, энг муҳими, юксак маданий-маиший хизматимиз билан кутиб олсак, шубҳасиз, шаҳар, мамлакат, халқимиз ҳақида яхши ва ёрқин таассурот уйғотамиз.

Баъзи таклиф-мулоҳазаларимиз борки, улар аэропортдаги фаолиятимизга бироз бўлса-да, таъсир кўрсатар, деган умиддамиз:

— Тайёра трапи ўз вақтида берилиб, автобуслар интизорлик билан кутиб турса, йўловчи-меҳмонни аэровокзал майдонига янги маълумотлар билан таништирган ҳолда, **«Хуш келибсиз, Сафарингизга омад тилаймиз»** қабилида ҳайрлашиш аэропорт хизматининг шиорига айланиши керак:

— Павильонларда оғзаки ва ёзма ахборотлар йўқ ҳисоби. Транспортлар қатнови жадвали кўзга ташланмайди. Меҳмон-йўловчи осмондан тушгандай турнақатор бўлиб суровхонага боради, кайфияти бузилиб, ҳафсаласи пир бўлади. Маълумотахборотномалар ўз вақтида бериб турилса, бундай маш-машага шўҳбасиз, ўрин қолмайди-ку!

— Махсус суровномадан ташқари суҳандон эълони, маълумотлар кўзга ташланадиган жойларга осиб қўйилиши, автобус, троллейбусларнинг жўнаш вақти, қаерга бориши, йўлда қандай муассасалар борлиги, меҳмонхоналар манзиллари қайд этиб қўйилса, кўнгилдагидек иш бўлар эди:

— Давлатимиз рамзий белгилари — мадҳиямиз, байроғимиз, тамғамизни кўзга ташланадиган жойларга осиб қўйилиши керак. Мадҳия ва байроқчаларни тайёра салонларида сотиш, меҳмонларга улар тарихи ҳақида гапириш вақти аллақачон етган:

— Рўзномаларни тайёра салонларида, кузатув, кутиб олиш хоналарида сотиш, китоб дўконларини кўпайтириш, Президентимизнинг ҳаво йўллари истиқболи тўғрисидаги фикрларини кенг тарғиб қилиш керак.

— Кутиш залларидаги йиғинди (челаклар) сочилиб ётибди, майдонлар супуриб-сидирилмаган. Ҳатто байрам кунлари ҳам, эскалатор гоҳ ишлаб, гоҳ ишламайди.

— Хориж давлатларидаги Париж, Токио, Шанхай, Нью-Йорк каби шаҳарларда видеосалонлар нақ бошингиз узра ишлаб турибди. Бизнинг аэропортларда ҳам шундай хизматларни йўлга қўйиш мумкин-ку?! Аслида, ўзбек, Шарқ мусиқаларини намойиш қилиш билан келувчи, кузатувчи, кетувчи йўловчиларнинг дилларини хушнуд этиш ҳақида ўйлаб кўрдикми?!

— Емакхоналарда миллий таомлар кам, шарқона файз йўқ ҳисоби. Аэровокзал майдонида Шарқ услубида миллий ўзбек чойхонасини қуриш зарур деб ўйлаймиз.

Саволлар кўп. Бироқ, шаҳарнинг бош дарвозаси-унинг кўрки, файзи, рамзий нуқталардан бирига айланиши керак. Ахир, меҳмон-йўловчининг таассуроти ана шу ердан бошланади-ку!

Карим НОРМАТОВ.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«СОПОЛ ПИЁЛА, ЭСКИ АРАВА... ВА УМИДВОР ЧОРШАНБИЕВ»

Шу йил 19 апрелда рўзномада чоп этилган мазкур сарлавҳали мақола Сурхондарё вилоятидаги тегишли ташкилот раҳбарлари иштирокида атрофлича кўриб чиқилди.

Янги чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида Шеробод туманида мавжуд тупроқлар таркиби таҳлил қилинмоқда, шунингдек бошқа корхоналар билан ҳамкорлик қилиб, улардан янги технологик жиҳозлар сотиб олиш учун банкдан кредит олиш корхона томонидан режалаштирилган.

Рўзномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида харидоргир керамик идишлар ва буюмларнинг сифатини янада яхшилаш ва уларнинг турларини кўпайтириш борасида тадбирлар тузилиб, уларни тез кунда амалга ошириш корхона раҳбари М. Нарзуллаева зиммасига юклатилди.

Вилоят ҳокими Ж. НОРАЛИЕВ.

«СЕКИН ТИББИЙ ЁРДАМ»

Шу йил 30 январда «Ўзбекистон овози»да чоп этилган ушбу мақола Қашқадарё вилоят ҳокимлигида кўриб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам, Таллимаржон шаҳри «Тез тиббий ёрдам» бўлимида мақолада кўрсатилган камчиликлар содир бўлган.

Вилоят Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг тиббий кенгашида бу масала муҳокама қилиниб, мутасадди шахслар огоҳлантирилган ва тегишли чора-тадбирлар белгиланган. «Тез тиббий ёрдам» бўлими ишини яхшилаш мақсадида бу йил 2 та «Дамас» автомашинаси ажратиш режалаштирилди, керакли дори-дармонлар, ёқилғи билан таъминлаш ишлари назоратга олинди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Р. РАҲМОНОВ.

«МЕН СЕНГА, СЕН МЕНГА ТЕГМА»

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1997 йил 15 май сонида чоп этилган «Мен сенга, сен менга тегма» сарлавҳали мақоласи текшириб чора кўрилиши учун Бухоро вилоят ҳокимлигига юборилган эди. Вилоят ҳокимлигидан қўйидаги жавоб хати олинди:

Ғиждувон туман давлат солиқ инспекциясида солиқ қонунчилигига амал қилиниши юзасидан прокуратура ходимлари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган камчиликлар ва бу бўйича туман прокурорининг катта ёрдамчиси М.Нурматов томонидан рўзномада чоп этилган мақола вилоят ҳокимлигида барча солиқ инспекциялари иштирокида муҳокама қилинган. Ғиждувон туман давлат солиқ инспекцияси ҳуқуқий шахсларни солиққа тортиш бўлими бошлиғига туман солиқ инспекциясининг 1997 йил 16 май 95-сон буйруғига асосан солиқ тўловчи ташкилотларда ўз вақтида текшириш ўтказишни таъминламаганлиги учун «хайфсан» эълон қилинди.

Солиқ инспекцияси бошлиғи Х.Рауповга барча солиқ тўловчи ташкилотларда ўз вақтида текширишни ташкил этиш, мақолада кўрсатилган ҳолатлар такроран йўл қўйилганда қаттиқ интизомий жавобгарликка тортилиши уқтирилди. Барча туман, шаҳар давлат солиқ инспекциялари бошлиқларига ҳар бир солиқ тўловчи ташкилотларда режа асосида текшириш тўлиқ ўтказилишини таъминлаш ва мақолада кўрсатилган қонун бузилишлари олдини олиш учун амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш юклатилган. Вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи муовини Р.Ҳакимовга, тафтиш бўйича бўлим бошлиғи муовини С.Боймуродовга солиқ инспекцияларида ҳаракатдаги қонун талабларига тўлиқ амал қилиниши, тафтишларни ўз вақтида сифатли ўтказилиши бўйича назоратни кучайтириш ва доимий, амалий ҳамда назарий ёрдам кўрсатиш юклатилди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан барча туман, шаҳар давлат солиқ инспекцияларида қонунчиликка тўлиқ амал қилиниши юзасидан доимий назорат олиб борилади.

Вилоят хокимининг ўринбосари Ф. ТЎХТАЕВ.

«АЛИМЕНТ ОЛОЛМАЯПМАН»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1997 йил 6 март сонида чоп этилган «Алимент ололмаяпман» сарлавҳали мақола Қашқадарё вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси ҳайат йиғилишида муҳокама қилинди.

Мазкур мақолада кўрсатилган фактлар текшириш жараёнида ўз исботини топган. Жавобгар Хикматов Раҳматуллодан даъвогар Олимжонова Ҳулкар фойдасига иш ҳақининг 1/3 қисми миқдорида алимент ундириш ҳақидаги ижро варақа Қарши шаҳар судининг иш юритувига 07.11.95 йилда қабул қилиниб, жавобгар ишлаётган «Аваз» кичик корхонасига ижро қилишлик учун собиқ суд ижрочиси Э.Жўраев томонидан 07.11.95 йилда юборилган. Бироқ собиқ суд ижрочиси томонидан ижро қўлланмасининг 177-бандига асосан назорат қилинмаганлиги оқибатида жавобгар ишдан бўшаб кетган бўлса-да, «Аваз» кичик корхонасининг бош ҳисобчиси К.Саққулов томонидан ижро варақа ўз вақтида судга қайтарилмасдан 1997 йилнинг январь ойига қадар сақланиб келинган.

Ижро варақасини ўз вақтида судга қайтармаганлиги учун К.Саққулов Қарши шаҳар судининг 24.01.97 йилги ажрими билан жарима жазосига тортилган. Жавобгар Р.Ҳикматовдан алимент бўйича қарзлари ҳисобланиб даъвогар Х.Олимжонова фойдасига ундирилган. Ҳозирги кунда жавобгарнинг ойлик иш ҳақидан ойма-ой алимент ундирилиб даъвогарга юборилиб келинмоқда.

Қашқадарё вилоят прокурорининг 1-ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Б. ҲАСАНОВ.

Сиёсий иқлим

«Интернет» ахборот агентлигининг хабарига кўра, «Толибон»чиларга қарши иттифоқчиларнинг гуруҳлари Афғонистон пойтахти Кобулга яқин Баграмдаги авиабазага ҳужум уюштирмоқда.

* * *

Россия Венгриянинг муҳим савдо шериги бўлиб қолмоқда, дея маълумот беради «Интернет».

* * *

Конго пойтахтида бир неча кундан буён нисбатан тинчлик ҳукм сурмоқда.

* * *

«Интернет»нинг хабарига кўра, Ҳиндистон Россия билан бўлган ўз муносабатларини мустаҳкамлаш ниятида.

* * *

Днестрбўйи Россия, Украина ва МДҲдаги бошқа мамлакатлар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатмоқчи.

* * *

Канаданинг Квебек деган жойида хусусий самолёт ҳалокатга учради.

* * *

Ленинград вилояти губернаторининг берган маълумотига кўра, вилоят энергетиклари электр қувватидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида тажриба ўтказадилар.

* * *

Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда вертолётнинг авиаҳалокатга учраши туфайли беш киши ҳалок бўлди, дея ахборот беради «Интернет» агентлиги.

БУГУНГИ АНҚАРА. Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

КЛИНТОННИНГ НАТОНИ КЕНГАЙТИРИШ ХУСУСИДАГИ БАЁНОТИ

Маълумки, Мадриддаги учрашув давомида Польша, Венгрия ва Чехия Республикаси НАТОга қабул қилинади. АҚШ Президенти Билл Клинтон ушбу мамлакатларни НАТОга қабул қилиш ҳақидаги қарорни чуқур ўрганиб чиқиш зарурлиги ҳақида баёнот берди.

Президент яна шуни таъкидлади: «Мен бир неча бор қайтарганимдек, ушбу давлатлар НАТОга қабул қилинган дастлабки давлатлар бўлиб қолмайди. Уларнинг сафи яна кенгайиши мумкин. Биз бу борада бошқа давлатлар билан, масалан Словения ва Руминияни НАТОга қабул қилиш борасида ишни давом эттирамиз. Ўрнатилган тартибларга риоя қилаётган бошқа мамлакатлар ҳам бор. Бирор бир мамлакат номзодлар рўйхатидан ўчирилмайди.

Польша, Венгрия ва Чехия Республикаси ўз зиммаларига олган мажбуриятларни тўла бажаришларига ишонамиз ва улар Шимолий Атлантика иттифоқини янада кучайтирадилар, деб ўйлаймиз. Биз ўзимизнинг НАТОдаги иттифоқчиларимиз билан ана шу муҳим масалада келишувларга эришиш йўлидаги ишларни давом эттиришга ҳамиша тайёрмиз».

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

Эстония шаҳарларидан бирида яшовчи авто уста Вирго Митт 60-йилларнинг ўрталарида ўз томорқасида қудуқ қазиётиб, кутилмаганда темир плитага дуч келди. Бир неча уринишдан сўнг амаллаб уни тешди. Плита парчаларини ахлатга ташлади ва бу жисмдан икки бўлак эсдаликка олиб қолди.

1969 йили жисм бўлакларидан бири Эстония Фанлар академиясининг геология институтига

ПОМАЪЛУМ ЖИСМ ПОМАЪЛУМЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА

келтирилди. Шунда ишониш қийин бўлган ҳодиса юз берди: намунасига тегинган муҳандис-олим электр токи ургандек шикастланди ва ҳушидан кетди. Шундан бери бу жисм текшириш учун у институтдан бунисига, бундан унисига жўнатилади. Бироқ ҳеч нарса аниқлашолмади. Охир-оқибат олимлар шундай хулосага келишди:

Бундай металлни ерликлар технологияси асосида яратиб бўлмайди.

Вирго Митт томорқасида қолган металлнинг қолганини эса ковлаб олишнинг иложини қилишолмади. Уфологларнинг таъкидлашларича, бу плита номаълум учувчи жисмнинг ташқи қисми эмиш. У қандай қилиб ер остида қолиб кетган, буни ҳозирча ҳеч ким билмайди. «Буни текшириш, ўрганиш бизнинг зиммамизда эмас» дейишмоқда эстониялик олимлар. Қизиқ, унақада кимнинг зиммасида? Бу савол ҳозирча очиқ қолмоқда.

ЯҚИН ШАРҚ: ЎТТИЗ ЙИЛЛИК МОЖАРО

Бундан роппа-роса ўттиз йил муқаддам Исроил қўшни араб давлатларига қарши агрессия сиёсатини бошлаб юборган эди. Исроил бирин-кетин Синой ярим оролини, Ғазо минтақасини, Урдун дарёсининг ҳарбий соҳилини, шарқий Қуддусни ҳамда Ғалон тоғли туманларини ишғол этди.

Бугунги кунда бутун жаҳон тинчликпарвар кучлари Исроилни Яқин Шарқда уруш оловини авж олдиришда айбламоқда. 1967 йилнинг июнь ойида Исроил Бирлашган Араб Республикаси — ҳозирги Миср Араб Жумҳуриятига ҳамда Сурия ва Иордания ҳудудига бостириб кирганди.

Исроил ҳукумати бу зўравонликни «Мазкур давлатлар томонидан Исроил учун туғилажак уруш хавфини бартараф этиш» учун қилинган дея изоҳлаган эди. Аслида эса бу уруш араб давлатлари ерларини босиб олиш режасига қаратилгандир. Исроил шу йўл билан Ўрта ер денгизидан то Тигр ва Евфрат дарёларигача чўзилиб борувчи улкан яҳудий давлатини барпо этиш ниятида эди.

Ҳукумат зўр бериб яҳудийларга фақат шу йўл билангина чегаралар хавфсизлигини таъминлаш мумкин, деб ишонтирди. Лекин Исроил барибир минтақадаги ҳукмрон давлат бўла олмади, ўз чегараларини мустаҳкамлашга ҳам эришмади. Аксинча, ўз хатти-ҳаракатлари туфайли у араб мамлакатларининг норозилигини кучайтирди. Оқибатда ўзи яккаланиб қолди.

1967 йилнинг 29 ноябрида БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши Яқин Шарқда тинчлик ўрнатишга қаратилган резолюциясини қабул қилди. Шунга кўра, Исроил ўз қўшинларини босиб олинган араб ерларидан олиб чиқиб кетиши, шунингдек, мазкур минтақадаги ҳар бир давлатнинг мустақиллиги, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини тан олиши ва эътироф этиши зарур эди. Бу тинчлик ҳужжатини ҳаётга татбиқ этиш эса етмишинчи йилларнинг охирида бошланди. Кемп-Девид шаҳрида Миср-Исроил музокаралари бўлиб ўтди. 1991 йилда тинчлик музокаралари Мадрид шаҳрида ижобий йўл билан ниҳоясига етказилди. Уша вақтдаги Исроил Бош вазири Исҳоқ Рабин оқилона ва одилона сиёсий йўл тутди. У араблар билан муросасозлик қилишга келишди. Натижада, Иордания билан тинчлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Фаластинликлар билан ҳам келишиб олингач, Урдун дарёсининг ғарбий соҳили ва Ғазо минтақасида Фаластин мухторияти барпо бўлди. Шу тақлитда маълум даражада Яқин Шарқда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилгандек ҳам бўлди.

Аммо, бу омонат дўстлик кўприги узоққа чўзилмади. Исроил-Фаластин муносабатлари яна кескинлашди. Ўтган йилнинг июнь ойида Исроил давлати тепасига келган Беньямин Нетаньяху ҳукумати эса ўша «омонат дўстлик» кўпригини яна бузиб ташлади.

Бош вазир зўр бериб араб ерларини яна босиб олиш, мавжуд қарам ҳудудларни эса тобора кенгайтириш сиёсатини юргиза бошлади. Шу йилнинг баҳорида эса яҳудий бульдозерчилари шарқий Қуддусдаги Фаластин хонадонларини зўравонларча бузиб, вайрон қила бошлади. Гўёки бу ерда Исроил ҳукуматининг қарори билан яҳудийлар учун турар-жой бинолари қурилар эмиш. Бунинг оқибатида нималар бўлганлиги эса барчага маълум. Яна келишмовчиликлар, яна қуролли тўқнашувлар, бегуноҳ қурбонлар берилди.

Фақат оқилона сиёсатгина бу мушкул вазиятни юмшатиши мумкин. Исроил ҳукумати сиёсати эса айнан шу ўзиникига қаноат қилиш ғоясини четлаб ўтаётир. Бугунги Яқин Шарқ дунёсидаги сиёсий тангликни, миллатлараро ҳунрезликларни ҳам одил сиёсат ўз изнига тушира олади, холос. Ана шундагина 30 йиллик можарога чек қўйиларди.

Хайрулло НУРИДДИНОВ.

Муносабат

УЧАР ВАУЧЕР

Ўтган ҳафтада Россия жамоатчилиги ўз мустақиллигининг (суверинитети) етти йиллигини нишонлади. Мазкур воқеа ҳақида Россия ОАВда турли фикрлар билдирилгани ҳам маълум. Биров етти йил бурун амалга оширилган тадбир тўғри бўлганлиги хусусида гапирса, биров буни инкор этади. Аммо бир нарса аниқки, XV аср охирларида Олтин Ўрдага қарамликдан қутилгандан сўнг Рус давлати ўтган беш юз йил давомида ҳеч қачон ўз мустақиллигини қўлдан бермаган. Аксинча ташқи ўлкаларни босиб олиш ҳисобига ҳудуди ва қудратини бир неча маротаба кенгайтириб, ошириб борган. Коммунистлар ҳукмронлиги (1917-1991) даврида эса Россия давлати (империяси) ҳудуд, ҳарбий-сиёсий, иқтисодий имконлардан олганда аввалги замонларга нисбатан анча илгарилаб кетганди. Фақат империянинг номи ўзгарган эди, холос — «СССР», «СССР» дейилганда Россия тушуниларди. Россия деганда «СССР» англаниларди. Шу маънода «СССР» номидаги Россия суверен империя эди. Аммо гап ҳозир бунда эмас. Қуйида биз Россиянинг 1991 йилдан кейинги ҳолати билан боғлиқ бир жиҳатга эътиборни қаратмоқчимиз.

Бундан бир неча йил бурун Россия ҳаётига «ваучер», «ваучеризация» каби янги тушунчалар кириб келгани эсимизда. Ўша пайтдаги Россия ОАВ бу ҳақда кўп ва хўп ёзиб, мана адолат қарор топаяпти, коммунистлар даврида халқдан тортиб олинган мулк эгаларига қайтарилади энди, қабилида ташвиқ ва тарғиб ишларини олиб боргандилар.. Ҳукумат арбоблари эса ваучерга «Волга» машинасини ҳам олса бўлади, дея халқни ишонтирмоқчи бўлгандилар. Мана орадан бир неча йил ўтди, коммунистлар тортиб олган «халқ мулкини» яна халққа қайтариш сиёсатининг натижалари қандай бўлди?

Шу маънода яқинда «Труд» газетасида (11 июнь) эълон қилинган маълумотлар диққатни тортмай қолмайди. Унга кўра ваучер эгаларидан 82 фоизи ўзини алданган деб ҳисобламоқда. Алданганлар орасида академик ва нафақахўр, ишчи ва шифокор, ўқитувчи ва муҳандис, қўйингки, барча ижтимоий табақа вакиллари бор. Масалан, машҳур академик, А. Яковлевни олайлик. Унинг ноласи қизиқ: «Машҳур иқтисодчи Павел Буничнинг тавсиясига кўра ваучеримни «Гермес» концернига фойдага бергандим. Қани энди ўша «Гермес», ҳеч ким билмайди?!» А. Яковлев аҳволининг ҳангомаомуз томони шундаки, у Россия президенти қошидаги «Сиёсий қатағонлар қурбонларини реабилитация қилиш» комиссияси раисидир. Бошқача айтганда, совет даврида юритилган сиёсат, жумладан иқтисодий сиёсат (хусусий мулкчиликка қарши кураш ва ҳоказо) қурбонларини реабилитация қилиш комиссияси раисининг ўзи бугун реабилитацияга муҳтож. Фарқи — у энди бугунги сиёсат қурбони бўлиб турибди.

Шу билан бирга сувнинг қаёққа оқаётганини ўз пайтида тўғри пайқаб, ишини дўндирганлар ҳам йўқ эмас. Масалан, самаралик нафақахўр С. Яковлев набираси Вова шулар жумласидан. Бешта ваучерни қўлга киритган Яковлевлар оиласида Вовадан бошқа ҳамма ўз ваучерини бирон-бир корхона пайларига алмашган. Илинжлари ҳам маълум: фойда олиш. Аммо мазкур корхоналар ё синган, ё пайчиларга фойда бериш даражасида унумли ишлаётгани йўқ. Хуллас, оиладаги тўрт киши куйган. Вовага келсак, у бошданоқ ваучерни сотиб, оз бўлса ҳам ҳар ҳолда нақд пуллик бўлган. Пулни нима қилган, бу унинг иши, бироқ Яковлевлар оиласи учун бугунги кунда муаммо иккита. Биринчиси, хўш, ваучердан не фойда чиқди? Иккинчи савол эса Вовага тегишли. Вова оила аъзоларидан сўрармиш, «энди қалайсизлар?»

Шу ерда яна бир савол туғилмай илож йўқ: ваучердан унумли фойдаланганлар фақат Вовага ўхшаш болакайларми ё жжиддийроқ кимсалар ҳам борми? Бор. Масалан, «ваучеризация»нинг «отаси», эндиликда Россия ҳукумати раҳбарларидан бўлмиш А. Б. Чубайс. Москвада чиқадиган «Сегодня» газетаси (№ 119, 1997 йил) хабар беришича, Чубайс ва хотини ўз ваучерларини «Биринчи сармоявий ваучер жамғармаси»нинг йигирмата пайига алмаштирганлар. Афсуски, газетада мазкур йигирмата пайдан олинган даромад ё зарар ҳақида сўз йўқ. Аммо Чубайс оиласи даромадига оид бошқа қизиқарли маълумотлар бор. Чунончи, Чубайснинг 1996 йилги умумий даромади 1,7 млрд. рублдан (тахминан 340 минг доллар) ошиқ. Шундан 40 млн. рубл яқини (тахминан 8 минг доллар) маош ҳисобидан. Қолгани қалам ҳақи, бирон шахс ё ташкилотларга берган маслаҳатлари орқасидан орттирилган даромад ва қимматли қоғозлардан тушган фойдадан йиғилган. Мақолада таъкидланишича, мазкур катта даромадни Чубайс «Хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш Маркази» жамғармасига бош директор бўлган кезлари тўплаган. Бундан чиқди, ҳамма гап хусусий мулкни ҳимоя қилишда экан. Чекингга тушганини оласан қабилида иш тутиб, «халқ мулки»ни тақсимлаймиз, ижтимоий адолат ўрнатамиз, дея ҳар бир кишига бир парча қоғоз-ваучер тутқазиш бир бошқа, унинг ҳимоясини таъминлай билиш бир бошқа. Демак, иқтисодиёт билан ўйнашиб бўлмайди. Аниқ режа-дастурсиз, энг муҳими, кўпчилик манфаати ҳимоясини йўлга қўймай туриб кўнгилдаги натижага эришиб бўлмайди. Акс ҳолда, ё Вовага ўхшаб таваккалчи, бир куннинг ғами билан яшашга, ё учар бўлишга тўғри келади. Бундан жамиятга не фойда? Ахир, ислоҳотлар, хусусан хусусийлаштиришдан кўзланган мақсад иқтисодий барқарорликни таъминлаш, кейинги босқичлар пойдеворини яратиш эмас-ми? Бундан ташқари Россиянинг эндиги «суверен» ҳукумати амалга ошираётган сиёсат, яъни ижтимоий мулкни тамом аҳоли ўртасида тенг тақсимлаш моҳият эътибори билан ўз пайтида коммунистлар олиб борган сиёсатдан ҳеч бир фарқ қилмайди. Демак, Россия учун гап тизимда ҳам эмасга ўхшайди. Унда нимада?..

Азамат ЗИЁ.

АЖНАБИЙЛАР КУЛГИСИ

Яҳудий риласи билан уйда тушлик қиляпти. Оила бошлиғи қошиқни тушириб юборди ва тезда ушлаб олди-да енгил тин олди.

— Ҳайрият, бугун меҳмон келмас экан.

Бир неча дақиқадан сўнг кенжа ўғли кўчадан югуриб келди:

— Дада, дада! Сара хола бизникига меҳмонга келаётиб лифтда қамалиб қолибди.

* * *

Дўхтир хонасида бир киши бошига болта урилган ҳолда ўтирибди. Қон эса тинмай оқмоқда.

Дўхтир бамайлихотир ундан сўраяпти:

— Ҳў-ўш, ёшлигингизда қизамиқ, тепки ёки сариқ билан оғримаганмисиз?

* * *

Ҳарбий билим юртини янги битириб келган ёш лейтенант электрон ток ўтказгични спирт билан артмоқда. Қари прапоршик кириб ҳайрон бўлди.

— Нима қиляпсан? Билим юртида сизларга нимани ўргатишган ўзи?

— Ўргатишгандек спирт билан юпқа артяпман.

— Нотўғри қиляпсан, — деди прапоршик. — Қара, мана қандай қилинади.

Прапоршик стаканни олди-да, унга спирт қуйди. Сўнг шартта кўтариб ичди ва ток ўтказгичга «уф-ф»лаб ҳаво пуркади, кейин пахта билан арта бошлади.

— Юпқа артиш мана шунақа бўлади, — деди прапоршик.

* * *

Эр-хотин 5 ёшли ўғли билан ресторанга киришди.

Эр официантга деди:

— 2 та 200 граммдан арақ келтиринг.

Шунда ўғли деди:

— Нима, ойим ичмайдиларми?

* * *

Санаторийда бир киши аёл билан танишиб қолди. Учрашувнинг биринчи куни аёлнинг қўлларини силади, иккинчи куни тирсагини силади... Шунда аёл жаҳли чиқиб деди:

— Мен нима бу ерга уч ойга келганмидим?!

* * *

Невара:

— Бува, менга 25 минг қарз бериб туринг, пенсиядан қайтараман.

Бува:

— Қанақа пенсия?

Невара:

— Ахир, мен ҳам қачонлардир пенсияга чиқаман-ку!

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

Россияда озиқ-овқат маҳсулотлари орасида нархи энг тез ўсиб бораётгани шакардир.

* * *

Ливан жанубидаги мусулмон гуруҳлари Исроил қўшинларининг ҳарбий ҳужумини кутмоқда. Исроил қўшинлари Ливан жанубидаги чегара ҳудудларида турибди.

* * *

Шимолий Атлантика альянси Бош котиби Хавьер Солана маълум қилишича, Россия-НАТО доимий кенгашининг навбатдаги мажлиси шу йилнинг сентябрь ойи бошида бўлиб ўтади.

* * *

АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэн НАТО га қабул қилишнинг навбатдаги «тўлқин»ида уч давлат ўтади, дея баёнот берган.

* * *

Финляндия Президенти Россия-Финляндия муносабатлари олти йил мобайнида тинчлик учун ҳамкорликдан тенг ҳуқуқли шериклик даражасигача ривожланди, дея ҳисоблайди.

* * *

АҚШ да 50 долларлик пул бирлиги тайёрланди. Уни кузда муомалага киритиш мўлжалланмоқда.

* * *

Конгода муваққат хизматда бўлган Россия фуқароларини олган самолёт Москвага келиб қўнди.



— Мени хориждан шу заводга олиб келишганида бу дарахт ниҳол эди.

Муроджон УНГАРОВ чизган расм.

БУ САФСАТА ЭМАС

Нидерландиянинг Сустерберг шаҳрида АҚШ, Норвегия ва Нидерландия давлатлари ўртасида кўпнишонли қирувчи самолёт ишлаб чиқариш тўғрисидаги битим имзоланди. Битимга кўра, замонавий техниканинг энг сўнгги қурилмалари билан жиҳозланган мазкур янги жанговар самолётлар АҚШнинг «Макдонел-Дуглас» ва «Локхид-Мартин» фирмаларида ишлаб чиқарилади.

***

Чехия армиясида яқин йиллар ичида мажбурий хизмат бекор қилинади. Айни вақтда мамлакат мудофаа вазирлиги армия хизмати механизмини такомиллаштириш тўғрисида махсус лойиҳа тайёрламоқда. Унга кўра, армияга ҳарбий хизматчилар шартнома асосида қабул қилинади. Мутахассисларнинг фикрича, бу лойиҳа амалга ошса, мамлакат мудофааси учун сарфланаётган маблағ анча тежалади.

***

1992-94 йилларда АҚШ ва Катар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, АҚШ Катар пойтахти Дохидан 50 километр шимоли-ғарбда ўз ҳарбий базасини қуришни режалаштирмоқда. 200 та жанговар самолёт, 30 тага яқин ҳарбий кема ва 20 мингдан ортиқ аскар жойлаштирилиши кўзда тутилган мазкур база учун камида 100 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланар экан.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 19-iyun, payshanba № 71 (22.155).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи Ҳ. АБДУЛЛАЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0361

Босишга топшириш вакти 21.00. Топширилди 23.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

КЎЧАМИЗДА БАЙРАМ БЎЛАЖАК

«Тўп думалоқ, майдон катта... қандоқ бўларкин». Баъзи мухлислар кўнглидаги ана шундай гумонга ўрин бормикан? Назарий жиҳатдан қараганда миллий терма жамоамизнинг имкониятлари етарли, тайёргарлиги жойида. Бир сўз билан айтганда, жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувларини муваффақиятли ўтказиб, гуруҳ ғолиби сифатида навбатдаги босқич баҳсларига киришиш учун шарт-шароитлар муҳайё. Маълумки, юртдошларимиз учта ўйиндан кейин икки ғалаба, бир дурранг билан 7 та очко жамғаришган.

Яман — Индонезия (1:1) учрашуви олдидан гуруҳ пешқадами бўлиб туришганди. Умуман ўйинлар жадвалига назар ташлайдиган бўлсак, футболчиларимизнинг рақобатчилари яна бир мартадан майдонга тушишлари кўринади. Албатта, эртага «Пахтакор» марказий ўйингоҳида футболчиларимиз билан Индонезия терма жамоаси ўртасида ўтказиладиган учрашув гуруҳ ғолиби тақдирини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Ўйлаймизки, йигитларимиз кўтаринки руҳда, ҳужумкорлик билан тўп суриб, бу муаммони ўз фойдаларига ижобий ҳал этадилар.

Умуман ватанимиз футболчиларининг Индонезия жамоалари билан учрашувларда муваффақият қозониб келишгани тарихдан маълум. Хусусан, «Пахтакор» футболчилари 60-йиллардан бери Индонезиянинг турли клублари билан 10 та учрашув ўтказиб, 8 ғалаба, 1 дуранг ва бор-йўғи 1 марта мағбулиятга учрашган, холос. Эртага бўладиган ўйинда бу ғалабалар сони 9 тага етади, деб ишонамиз.

Футболчиларимиз устози Рустам Мирсодиқов бўлажак учрашувга 25 нафар йигитни саралаб турибди. Улар орасида дарвозабонлар Бугало, Филиппов, Аҳмедов, ҳимоячилардан Шоймардонов, Фёдоров, Давлатов, Қамбаралиев, Ширшов, Аҳмедов, Файзиев, Асатов, ярим ҳимоячилар Раҳмонқулов, Ашурматов, Ҳусанов, Шарипов, Бозоров, Маруфалиев, Винников, Лебедевлар бор. Ҳужумчилар эса Иримсетов, Мақсудов Усмонхўжаев, Қурбонов, Назаров, Шацкихлардан иборат.

Бешинчи гуруҳдаги жамоалар мавқеи эса қуйидагича:

	Ў	Ю	Д	М	Т	О
Яман	5	2	2	1	9-2	8
Индонезия	5	1	4	0	11-3	7
Ўзбекистон	3	2	1	0	8-1	7
Комбоджа	5	0	1	4	1-23	1

29 июнда Комбоджа — Ўзбекистон, 13 июлда Ўзбекистон — Яман учрашувлари бўлади.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Спорт

ФУТБОЛЧИ... РАҚҚОС ЭМАС

Музработ туман спорт қўмитаси раиси Шуҳрат ЖЎРАЕВнинг гурунгидан:

— «Музработ» деган футбол-жамоамиз бор: Жамоа — 18 киши. Вилоят биринчилигининг «олий лигасига» чиқиб олдик. Авжимиз — олти ўйиндан сўнг иккинчи ўринни эгаллаб турипмиз — ёмон эмас.

— Раҳимов Қаҳрамон деган ҳужумчимиз — зўр. Ёши — 18 да. Бўйи-биру олтмиш. «Деҳқонобод» калхўзининг аъзоси (сувчими, чопиқчими). Уч гол урди. Шу хизматига 15 минг сўм олди.

Йигитларимиз, умуман, ҳаммаси ишлайди, шофёр, калхўзчи. Калхўзда ишлайдиганлари бир ярим мингданми маош олади. Биз... бир гол урганга 5 минг сўмдан берамиз. Ҳай, уларнинг бошини силаяпмиз-ку. Сафарга чиққанда икки марта овқатлантирамиз. Ҳокимимиз Абдумурот аканинг эътибори — алоҳида. У киши футболчиларинг ҳаммаси калхўзчининг боласига ўхшайди, қорни тўйиб овқатланмаса керак, деди. Шу гапдан кейин ўз майдонимизда ўйин бўладиган кунлари ҳам жамоага дастурхон ёзмоқчимиз. Ахир...

Ажаб савдолар

Ўзим рус тили ўқитувчиси бўлсам ҳам, биламанки, футболчининг бир ўйин давомида югургани 10 километр масофага етиб қолади (яхши ўйин кўрсатаётган жамоа сифатида ўйинчилар Жўраев айтганидан кўраям кўпроқ югурса керак, деб ўйлаймиз). Бир ўйинда футболчи қанча вазн йўқотади... Билмайман. Торози-йўқ. Дўхтир — йўқ. Массажчи — йўқ. Мотор қуйиб, ювиниш хонасига сув чиқмай қолди. Спорт анжомлари (тренажёрлар) йўқ. Ҳусанов Файзулланинг бутсиси йиртилди. Бошқа бир эски бутсининг тагчармини ўзи тикиб олди. Шу билан ҳам...

Шундай. Футболчи танишининг тўйига бориб, вақти-хушлик учун рақс тушадиган ўйинчи эмас. Бир ўйинда тўқсон минут югуради. Лопиллаб қолмайин деб кунига икки соатча машқ қилади. Ишдан чиқиб келиб яна. Ўйин кунлари (ўз майдонимизда ҳам) уларга бир косадан шўрва берсак — яхши-да (Жўраевнинг юзида ўз ишини қойиллатганидан қаноат туйган одамнинг хурсандчилиги зоҳир бўлди)...

Жўраевнинг гурунгидан яна бир нарса маълум бўлдики, «Музробот»чилар Музроботнинг марказий қўрғонида, қўрғон атрофидаги жойларда яшайди. Ва табиийки, ҳамқишлоқлари қатори ҳар қандай хушбўй чойнинг таъмини бузадиган, қаттиқ сувдан истеъмол қилишади. Қаттиқ сув одамнинг тиззаси-ю жигари нима эмиш, совуннинг ишқорини қотириб ташлайди.

Жўраев, айтишича, «Музработ»чилар айрим рақибларининг ўйингоҳлари ободлигини кўриб, лол қолармиш. Айрим жамоаларнинг спортча уст-бошларига ҳаваслари ошиб, гоҳида елкалари қисилармиш. Ҳатто, шошиброқ қолармиш. Лекин ўзларини тутиб олгач, шундай ўйнармишки... Музработни деб. Маошлари бир ярим минг сўмлигини унутиб. Яна нималарни, кимларнидир ўйлаб. Шундай экан...

Олимжон УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЛЕВ ТОЛСТОЙ ХАНТОМАЛАРИДАН

«ЁШ ЁЗУВЧИ»

Бир куни Лев Толстойга ёшлар: «Яхши асаримизни ҳам босишмаяпти» деб шикоят қилишибди. «Йўқ, ишонмайман бу гапга, яхши асар бўлса албатта босишади», — дебди Лев Толстой.

Кейин уйига боргач, ўйланиб бир текшириб кўрайчи, дебди. Эртасига нашриётга бир неча ҳикояларини жўнатибди. Вақти - соати етиб хабар олгани нашриётга борибди. Ўзига бино қўйган бир киши: «Келинг, отахон!» — дебди оппоқ соқоли кўксига тушган ёзувчини танимай.

— Шу... ҳикоялар юборгандим... Туладан.

— Ҳа, ҳа, ўқиб чиқдим. Аттанг, отахон, ижодни жуда кеч бошлабсизда-а? Булар ҳали чоп этишга ярамайди. Қайта ишлаш керак. Масалан...

— Ҳикоялардан олдин ҳам у-бу нарса ёзганмидингиз?

Толстой оҳиста ўрнидан туриб эшик сари қадам босибди.

— Ҳа, — дебди унга қайрилиб, кўзлари ғалати товланиб, — «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина», «Тирилиш» каби романлар...

— Граф Лев Толстой! — ўрнидан сапчиб, орқасидан югурибди бояги киши!

«Ёшларнинг гапи тўғри экан»: — деб кўнглидан ўтказган экан буюк адиб.

ТАРЖИМА — ЎГАЙМИ?

Буюк ёзувчи француз, инглиз, поляк ва бошқа кўп тилларни билар, асарларни аслиятда ўқирди. Ҳатто драма ёзиш олдидан бир неча ҳафтада грек тилини ўрганиб, грек буюк драматургларининг асарларини ўқиган.

Бир куни яхши таржимон ҳар қандай асарни ўз она тилисидек жаранглатиб юборади, деган фикрлардан шубҳаланиб ўзининг бир ҳикоясини таниқли француз таржимонига берибди.Таржимон уни қойиллатиб француз тилига ўгиради... Бу французча таржимани ўша пайтда французчадан русчага моҳирона ўгира оладиган дўстига беради.

Дўсти таржимани қойилмақом қилиб келади.

Қизиқиш-да, буюк ёзувчи ўз асари билан дўстининг таржимасини бир чеккадан эринмай солиштириб чиқади.

— Мен ишлатган сўзлардан ҳеч вақо қолмабдию, — деб юборибди Лев Толстой.

ЯРИМ АСР ЧАМАДОН КЎТАРИБ

Ҳар қандай улкан истеъдодда ҳам баъзан оддий тушунмовчиликлар бўлиб тураркан.

Лев Толстой хотини Софья Андреевна билан эллик мартадан зиёд қаттиқ аразлашиб, «Америкага кетаман» — деб уйидан чиқиб кетаркан... Ҳатто хотини ялангоёқ унинг ортидан қайтараман деб югурганлари-чи... Қоровул қўйганичи...

Қизиғи шундаки, ҳар сафар ёзувчи уйидан битта чамадон олиб чиқиб кетган, унинг ичига «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина», «Тирилиш» сингари китобларини солиб олган.

Барибир у умрининг охирида уйидан қочиб кетишга муваффақ бўлади. Ва хотини бундан воқиф бўлиб унга: «Агар қайтмасанг, ўзимни ўлдираман» деб хат ёзади.

Толстой кенжа ўғлига: «Агар у ҳақиқатан яхши кўрса ўзини аллақачон ўлдирган бўларди» деб хат жўнатади. Ўғилнинг жавобини қаранг: «Сиз ҳозир эмас, бундан эллик йил олдин бутунлай қочиб кетишингиз керак эди».

Ажаб дунё!

Ҳамид ИКРОМОВ.

«Жаннат Ороми» фирмаси

Анталияда (Туркия) ажойиб дам олишга таклиф этади.

* **Якка тартибдаги сафарлар—баҳоси турлича**
* **Машҳур Памуккале курортида (Туркия) даволанинг.**

Манзилгоҳ: Тошкент, «Тинчлик» метро бекати. «Ўзгазлойиҳа» институти биноси, 1-қават. Тел: (3712) 42-44-55 Тел/факс: (3712) 42-98-62.

«БУЛБУЛЧА»НИНГ БУЛБУЛЛАРИ

Ҳар бола бир дунё. Уларнинг санъатиям бошқача: беихтиёр қалбингизга қувноқлик бағишлайди. Қўшиқлариям ўзларидек беғубор. Эсланг-а, жажжи қўшиқчилар хор бўлиб куйлаяпти: «Булбулча».

«Булбулча»...нинг жажжи булбуллари. Ҳаммасининг фикри-зикри, нигоҳлари бир жойга жамланган. Дирижёрнинг биз илғамайдиган хатти-ҳаракати уларга аён. Ана, опа «йўқ» ишорасини берди, ёқмади, орқа қатордаги болага «пастроқ» деди. Яна... ва яна. Бир қўшиқ яралгунча унинг таёқчаси неча бор кўтарилиб-тушади. Неча бор «огоҳлантиради» хор дирижёри. Айниқса болалар дастасида ишлаш осонмас. Ҳар боланинг овозига алоҳида аҳамият бериш керак. Назаримда, боланинг овози ҳам гўё сайқалга муҳтож новдадек. Чунки бу овозни қай йўсинда, қай йўналишга буриш бола келажаги учун нечоғлик аҳамиятли. Бу эса хор дирижёридан ўта зийракликни талаб қилади.

Сожида Алимова шундай беназир истеъдод эгаси. Халқда бундайларни «худойим юқтирган»дейди. Кўпда ҳамма дирижёрлар ҳам болалар хори билан ишлашни хушлайверишмайди. Лекин у Тошкент давлат консерваториясини тамомлаб, 1976 йилдан бошлаб узлуксиз «Булбулча» дастасида иш бошлади. 1989 йилда эса хормейстер, бир йил ўтгач эса бош дирижёр лавозимида ижод қила

бошлади.

Инсон ўз ҳаёти давомида турли-туман ҳодисаларга дуч келади, турмушнинг барча қувонч ва ташвишларини зиммасида кўтариб ўтади. Сожида опа ҳам мана бир неча йилдирки боғча ёшидаги болалардан бошлаб ўсмирлик ёшига етгунча уларга меҳр ва катта эътибор билан қўшиқ ўрганиш ва уни маҳорат билан ижро этиш сирларини ўргатади. Нафақат қўшиқ ўргатиш, балки келажак авлодни оилада, боғчада, мактабда бола билмаган тарбия сирларини ҳам жон-дили билан болаларга сингдиради. «Булбулча» дастаси раҳбарининг методик ва профессионал жиҳатдан мустақил билимлари туфайли телевидение орқали мунтазам олиб борилаётган «Қўшиғим жон қўшиғим», «Биргаликда куйлаймиз», «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз» эшиттиришларини болажонлар мароқ билан томоша қиладилар.

«Булбулча» дастасининг асосий ютуғи — ўрта умумтарбия мактабларидан, боғчадан қизиқиб келган болалар ва ўсмирлар жамонинг асосини ташкил қилиб, махсус мусиқа билими бўлмасада, даста раҳбарларининг ёрдамида қисқа вақт ичида саҳна ва радио, телевидениеда қўшиқ ва рақс ижро этиш имконига эга бўладилар. Сожида опанинг ижодий раҳбарлигида ўзбек бастакорларининг юздан ошиқ қўшиқлари «Булбулча» дастасининг болалари томонидан ижро этилиб радио ва телевидение тасмаларига ёзиб олинган.

Бир қарашда Сожида опа болаларга ўта талабчан ва қаттиққўл, ҳар бир болага алоҳида эътибор беради. Лекин жуда кўнгилчан. Жажжи санъатсеварнинг кичкина ютуғидан ҳам олам-олам шодланади. Баъзида уларнинг чиқишларини сабрсизлик билан кутади. Ҳамма нарсанинг ибтидоси меҳнат. Унинг ўргатган қўшиқлари Россия, Белорусь, Эстония, Югославия, Туркияда ўтган болалар мусиқа фестивалларида диплом ва совринларга сазовор бўлган.

Сожида Алимованинг «Булбулча» болалари билан тайёрлаган қўшиқлари сўнгги йилларда анъанага айланган «Наврўз», «Мустақиллик» ва яна бошқа бир қатор байрам, маданий тадбирларда мунтазам ижро этилиб келинмоқда.

— Кейинги йиллар ҳаммамизни онгимизни, эътиқодимизни синовдан ўтказиб, чиниқтирди.

Митти юлдузлар

Талабчан, тезкор бир вазиятда ишлашга ўргатди, — дейди Сожида опа.

Сожида опа фақат ўзининг 2 та фарзандининг камолини эмас, шу билан бир қаторда «Булбулча» дастасининг камолини ҳам ўйлайди.

— Мен хор болаларига, очиғи, ўқувчим деб қарай олмайман. Ўзимни улар олдида маънан онасидек ҳис этаман. Меҳр қўрим шундан бўлса ажабмас.

Сожида опа бу гапни кўп бор такрорлайди.

Дарвоқе: ҳақ гап. Болага меҳр бермасангиз бари беҳуда. Меҳр кўрган болагина унга интилади. Демакки, мурғаккина қалб санъатга ошиқади. Кўнглига қўшиқларини жойлаб олади. Сўнгра уни сизу бизга юракдан чиқариб куйлаб беради.

«Булбулча» куйлаяпти. Дирижёрга қадалган нигоҳлар шундан мужда беради... Митти юлдузлар ҳадемай янада ёрқинроқ порлайверади.

Маъсуда ЁҚУБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Акмал Икромов туманидаги «Ансар» кўп профилли хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ**
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Шайхонтоҳур туманидаги 180-мактаб томонидан 1979 йилда Халилова Мавлуда номига берилган Б №906128 сонли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Чилонзор туманидаги 232-мактаб томонидан 1994 йилда Сувонов Баҳодир Раҳмонқулович номига берилган 303764 сонли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига

ЭРКТАЛАБ РУҲНИ ЁДЛАБ

Манглайи очиқ халқмиз. Ярқираб порловчи юлдузларимиз кўп. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ўз номи билан ана шундай юлдузларимиздан бири.

У миллатпарвар эди, миллатчи дедилар. Халқини жон-дилидан севарди, халқ душмани деган тамға босдилар.

Унинг ёрқин ва нафис шеъриятини, баркамол ижодини, ўтли публицистикасини қатаган сандиқларига беркитишди, биздан — ўз ўқувчиларидан яширишди. Истиқлол туфайлигина Чўлпон номи юзага чиқди, ижоди халқимизга миллатни улуғлаш, ўзликни англашни, умид ва журъатни бахш этмоқда.

Наманганда эрталаб шоирга ҳурмат баланд. Бу, айниқса, Давлат университетидаги илмий-амалий анжуманда профессор, ўқитувчилар, аспиранту талабалардан ташқари кўп сонли шоир мухлислари ҳам қатнашишди.

Университет ректори, фан доктори, профессор А. Аъзамов, файласуф ва филолог олимлар А. Абдураҳмонов ҳамда М. Маъмуровлар адиб ижодини таҳлил этиш билан бирга, унинг ҳаёт йўлига ҳам кенг тўхталдилар. Дарҳақиқат адиб ҳаётини ўрганишга эҳтиёж бугунги кунда жуда сезилиб қолмоқда.

Мушоира ҳам бўлди. Чўлпон шеърлари дилларга завқ тошқинларини, меҳр ёлқинларини солди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БОЛАЛИГИМ ГУЛБАҲОР.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.